

**АҲМАД ФАРҒОНИЙ НОМИДАГИ ВИЛОЯТ**

**АХБОРОТ-КУТУТБХОНА МАРКАЗИ**

**АХБОРОТ - БИБЛИОГРАФИЯ БЎЛИМИ**



**ҚОЗОҚ КЛАССИК АДАБИЁТИНИНГ  
АСОСЧИСИ  
АБАЙ ҚҰНОНБОЕВ  
ТАВАЛЛУДИНИНГ 173 ЙИЛЛИГИГА**

*Библиографик шарҳ*

**Фарғона – 2018**

Қайси халқ, қайси миллат ҳақида сўз бормасин, аввало унинг зиёлилари, ёзувчию шоирлари эсга олинади, миллий қаҳрамонларининг хайрли ишларига урғу берилади. Қозоқ мумтоз адабиёти ҳақида гап кетганда, албатта, Абайни ёдга оламиз. У мазкур адабиётнинг асосчиларидан бири, буюк шоир ва маърифатпарвар эди.

Абай (Иброҳим) Қўнонбоев 1845 йил 10 августда Қозоғистоннинг Семипалатинск уездига қарашли Чингизтов худудида чорвадор оиласида дунёга келган. Унинг оиласи маҳаллий зодагонлардан эди. Бобоси Ўскенбой ва катта буваси Ирғизбой ўз уруғига бошчилик қилган бийлардан бўлган. Иброҳим дастлаб Семипалатинскдаги мадрасада мулла Аҳмад-Ризо кўлида савод чиқарган. Бу ерда у араб, форс тилларини ўрганиш билан бирга, рус мактабига ҳам қатнаб, рус тили ва адабиётини ўрганди. Беш йиллик бошланғич мактабни тугатар чоғида ёш Иброҳим шеърлар машқ қилишни бошлайди. 13 ёшга тўлганда отаси Қўнонбой уни уруғ оқсоқолларининг фаолияти билан таништира боради. Абай бир томондан Шарқ адабиётининг буюк вакиллари А.Фирдавсий, А.Навоий, Низомий ижоди, иккинчи томондан, А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, М.Е.Салтиков-Шедрин асарлари билан қизиқиб, ўз билимини оширди. Унинг ижоди шеър ёзиш ва ўлан айтишдан бошланган. Абайнинг кўплаб ўланлари халқ орасида машхур. У ўз даврининг илғор зиёлиси сифатида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этди. Абай халқни саводхон қилишга даъват этди. Хусусан, хотин-қизларга қулдек муносабатда бўлиш, ижтимоий зулм ва қолоқликка қарши исёни ижодида ҳам ўз аксини топган.

Улуғ шоиримиз — Миртемир таржимасидаги қуйидаги сатрлар фикримизни тасдиқлайди:

Мен нетай, ахир кимга умид боғлай?  
Қўрқоқ куллар юртида не бахт чоғлай?  
Бир йўлчи топилмасми сарсон элга?  
Мен излай, мен ахтарай, мен сўроқлай...

Абайнинг “Қоронғи тунда тоғлар мудрайди” шеъри жуда машхур бўлиб, айна пайтда халқ кўшиқларидан бирига айланган. Шоирнинг ўзи ҳам кўшиқларни севган ва ўланларни мириқиб куйлаган. Қуйидаги мисраларда бунга иқроп бўламиз:

Яхши кўшиқ, яхши куй,

Ҳаётингда кўшиқни  
Суйсанг агар менча суй.  
Ҳасратларинг чекинар,  
Унутасан дунёни.  
Юрак завққа чулғанар  
Кўшиқ тинглаган онинг.  
(Мирпўлат Мирзо таржимаси).

Абайни новатор шоир сифатида намоён этувчи “Баҳор”, “Ёз”, “Куз”, “Қиш” шеърлари борки, уларда яхшиликка интил ва ёмонликка қарши тур, деган ғоя илгари сурилади. “Масгуд”, “Азим ҳақида ривоят” дostonларида эса Шарқ мумтоз оҳанглари асосий ўрин тутди. “Искандар” дostonида Аристотел шахсидаги ақл-идрок билан Македонский шахсиятидаги хирс-очкўзлик қарама-қарши кўйилади.

Абай биринчи қозоқ бастакори ҳам ҳисобланади. У ўз шеърларига халқ куйлари асосида куй басталаган. Унинг ўнлаб куйлари бугун ҳам севиб тингланади. Айниқса, ўзининг “Кўзимнинг қораси” шеърига басталаган куйи ва шу асосида ижро этиладиган кўшиқ халққа манзур бўлган.

Абай рус ва Европа маданиятини ўз халқига танитган буюк шоирдир. У А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” асаридан парчаларни қозоқ тилига таржима қилди. Унинг 170 та шеъри, 56 та таржимаси, дostonлари ҳамда “Насихатлар”и бугунги давр кишиси учун ҳам ўқиб-ўрганиладиган катта мактабдир. Айниқса, насихатлари ҳар бир замон ёшлари ҳаётида асқотади: “Агар ҳар бир ҳаракатинг туфайли ҳақиқатга эриша оладиган бўлсанг, ўлсанг ҳам бу йўлдан қайтма, маҳкам тур! Ахир, ўзинг шубҳа қилган нарсага ўзгалар қандай қилиб ишонч билдирсин? Ўзинг ҳурмат қилмаган нарсани ўзгалар нега ҳурмат қилсин?” (Н.Фозилов таржимаси).

Абайнинг “Ўланлар” ва “Абай Қўнонбоев” номи остида шоир асарларининг ўзбек тилидаги намуналари берилган. Буюк шоирнинг ўзбек тилига ўгирилган асарлари ҳақида Ж. Шариповнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида чоп этилган “Абай асарларининг ўзбекча таржималари” мақоласида баён қилинган.

Шоир ватанпарварлик руҳидаги ижоди билан қозоқ миллий зиёлилари туғилишига катта таъсир кўрсатган. XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлган “Алаш-Ўрда” ҳаракати уни ўзларининг

маънавий раҳнамози деб билган. Бу каби маълумотлар шоир таржимаи ҳолини ўрганган биринчи биограф Алихон Букейхановнинг 1905 йилда “Семипалатинск варақаси” газетасида чоп этилган “Абай (Иброҳим) Қўнонбоев” – таъзияномасида ҳам ўз аксини топган. Орадан икки йил ўтиб, у Абай сиймосини акс эттирган ёдномасини рус тилидаги журналда босиб чиқаради. Абай ижоди ҳақида Б. Ражабованинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп этилган “Абай абадияти” мақоласида ўқиш мумкин.

Абай катта оила вакили бўлиб, унинг боболари, ота-онаси, укаси, тўрт ўғли ҳақида маълумотлар бор. Укаси Шокарим ҳам шоир, ёзувчи, таржимон, бастакор, тарихчи-философ эди. Икки катта ўғли узоқ яшамаган, хасталик туфайли вафот этган. Учинчи ўғли Мағавия отасининг хоҳишига кўра, дostonлар ёзган. Унинг “Медгат-Қосим” достони ижодининг салмоқли қисмини ташкил қилади. Мағавиянинг асли касби ҳуқуқшунос бўлиб, умрининг сўнггигача маҳаллий судья бўлган. Тўртинчи ўғли Тўракул эса “Алаш-Ўрда” партияси вакили, жамоат арбоби эди. Унинг ҳам шоир ва ёзувчи сифатида бир қатор асарлари сақланиб қолган, Европа ва рус адабиётидан таржималар қилган.

Айни пайтда Қозоғистондаги кўплаб масканлар ушбу буюк қозоқ шоирининг номи билан юритилади, почта маркалари, Қозоғистон банкнотида унинг сурати туширилган. Мамлакатимиз пойтахтидаги марказий кўчалардан бирига Абай номи берилган. У 1904 йил 6 июлда вафот этди.

Мухтасар айтганда, Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижоди ўқиб-ўрганиладиган улкан сабоқ мактабидир. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13-мартдаги “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори эса бунга янада кенг йўл очади.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Қўнонбоев Абай // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. 11. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – Б. 184.
2. Танланган асарлар. – Тошкент : 1961. – 68 б.

3. Шарипов, Ж. Абай асарларининг ўзбекча таржималари / Ж. Шарипов // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1995. – № 5-6. – Б. 5-8.
4. Ражабова, Б. Абай абадияти / Б. Ражабова // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2018. – 16 март. – Б. 4.

Тузувчи: Г. Бобожонова